



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 15 июль, № 138 (4548) • Сешанба

ИЛГОР МИНИТЕХНОЛОГИЯ ВА УСКУНАЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмоли моллари нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлиб бормоқда. Чунки «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиги

Кўргазма
Остида экспорт қилинаётган маҳсулотлар барча кўрсаткичлари бўйича жаҳон андозаларига тўла жавоб беради. Соҳа мутахассисларининг айтишича, мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинаётгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари замонавий ускуналар билан таъминланаётгани рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имконини бераётди.



Рўздат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

Эътиборлиси, юртимиз тадбиркорларининг илгор минитехнологиялар қидириб юришларига ҳожат йўқ. Мунтазам ташкил этилаётган ихтисослаштирилган кўргазма-савдо ишбилармонлар учун техника бозори вазифасини ўтамоқда. Натижда, улар кўргазма давомида ўзларига маъмул ускуналарни танлаб, харид қилмоқдалар. Айни кунларда пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» да давом этаётган «Кичик бизнес учун Ҳиндистон минитехнологиялари — India minitech-2008» кўргазмасини бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг узвий давоми, дейиш мумкин. Ушбу йирик тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмағида (Давоми 2-бетда).

Франциянинг Сант-Флоран шаҳрида «Шарқ халқлари» — «Festival les Orientales» халқаро анъанавий мусиқа фестивали ниҳоясига етди. Унда Ҳиндистон, Покистон, Жазоир, Иордания, Мароқаш, Индонезия ва бошқа давлатлардан келган ижодий гуруҳлар иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР «ШАРҚ ХАЛҚЛАРИ» ФЕСТИВАЛИДА

Жорий йилда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмағида «Янги авлод» болалар ижодий фестивали ва «Келажак овози» иқтидорли ёшлар танлови ғолиблари илк бор ушбу халқаро анжуманда иштирок этди. Иқтидорли рақосалар ва моҳир создаларимиз ўзбек халқининг жўшқин ҳамда бетакрор санъатини француз томошабинлари эътиборига ҳавола қилди. Шодидёра Омонованинг рақс ижроси, Юлдуз Мирсатованинг француз томошабинлари дутор ижросидаги дуэти, Илёс Арабовнинг яна бир миллий чолғу асбоби — гиж-жакдаги мусиқий ижроси санъат ихлосмандларига, айниқса, манзур бўлди.

Ёш ўзбек санъаткорларининг хар бир чиқиши томошабинлар зўр қўқишлар билан қарши олди. Концертдан сўнг ўзбекистонлик истеъдод соҳиблари Франциялик меҳмонларни мамлакатимиз миллий чолғу асбоблари, мусиқаси ва рақс анъаналари билан батафсил таништирди.

Фестивалнинг бадиий раҳбари Судаб Киа хонимнинг таъкидлашича: «Бу йилги танловда айнан ўзбекистонлик ёшларнинг ижросига алоҳида эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бинобарин, юртингизда миллий анъана ва маданий мерос авлоддан авлодга кўз қорачигидай асраб-авайлаб етказиб келинмоқда».

Форум жамғармасининг таклифига биноан, С.Киа хоним юртимиздаги ёш истеъдод эгалари билан яқиндан танишиш ҳамда фестивалда иштирок этувчиларни танлаб олиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган эди.

Фестивал президенти Эрве де Шаррет куйидигача таъкидлади: «Форум жамғармасининг қўллаб-қувватлаши туфайли фестивалимизда Ўзбекистонлик санъаткорларни қабул қилишга муяссар бўлди. Ўзбекистон вакилларининг иштирокисиз Шарқ мусиқасига бағишланган фестивални тасаввур этиш

Насиба САБИРОВА, «Жаҳон» АА мухбири.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Сарҳисоб ва режалар

Унда давлат солиқ идораларининг 2008 йил I ярим йиллик фаолияти яқунлари ва II ярим йилликда тизим олдиға қўйилган долзарб вазифалар, хусусан, бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича белгиланган прогност кўрсаткичлари ижроси таҳлил қилинди. Йиғилишни қўмита расиси Б. Парпиев бошқарди.

Ҳайъат йиғилишида «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажариш, фаолият юритмаётган хўжалик субъектларини тугатиш ҳамда уларнинг боқимандалик қарзларини ундиришда йўл қўйилган хато ва камчиликлар қўриб чиқилди.

Таъкидландики, ўтган даврда Молия вазирлиги ва ДСҚнинг қўшма қарорига асосан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига солиқ ва мажбурий тўловларнинг тўри ҳисобланиши ва тушумларнинг тўлиқ таъминланиши юзасидан тегишли қўйилганда, айрим ҳудудларда жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу ҳол, айниқса, Наманган, Бухоро, Қашқадарь, (Давоми 2-бетда).

ШИЖОАТ ВА ЖАСОРАТ МАКТАБИ

Президентимизнинг «Ҳарбий академик лицейлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 22 майдаги қарорига асосан ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи Самарқанд ҳарбий-қурилиш йўналишидаги академик лицейга айлантирилди. Бугун ана шу лицейга интилувчи ёшлар, фарзандларини шу ерда таълим олишини истовчи ота-оналар кўп. Қабул пайтидагина

— Ўтган ўқув йилида лицейимизни 163 нафар ўқувчи биттирди, — дейди лицей директори вазифасини бажарувчи Хикматилло Норқороев. — Уларнинг барчасига ўқишни давом эттириш учун Самарқанд олий ҳарбий кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Чирчиқ олий ҳарбий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юрти, Тошкент ахборот технологиялари университети, Жиззах олий ҳарбий кўмондонлик уювчилик билим юрти, Ички ишлар вазирлиги қарашли Ички ишлар академияси ва республикадаги бошқа олий ўқув юртиларига ўқишга кириш учун йўлланмалар берилди. Аҳамиятлиси, битирувчиларимиз ўзларига билдирилган ишончنى оқлашга ятти, кўпчилиги бугун олий ҳарбий билим юртиларининг талабалари, ҳарбий соҳанинг эртанги малакали мутахассислари.

— 2004-2005 ўқув йилида мазкур лицейга қабул қилинган аҳд, — дейди қашқадарьлик Аббос Тошев. — Ўтган йили ҳарбий лицейни муваффақиятли битириб, Ички ишлар вазирлигига қарашли Тошкент олий техника билим юртига ўқишга киришга муваффақ бўлдим. Мана, олий ҳарбий билим юрти курсантлигининг бир йили ортда қолди. Уқушда, ҳарбий машғулотларда сира қийналганим йўқ. Бу ерда ҳар томонлама чинқидим. Ҳарбий лицейда, биз ўқувчилар учун етарли шарт-шароитлар яратилган. (Давоми 2-бетда).

ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

Сурхондарё вилоятида ҳам ёз мавсумида тарқалиш хавфи ошадиган юқумли касалликларнинг олдини олиш юзасидан профилактика ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Вилоят давлат санитария-эпидемиология нazorати маркази бош врачси Менгбой Ёрбобоевнинг таъкидлашича, марказ ҳошида махсус штаб ташкил этилиб, шаҳар ва туманлардан эпидемиологик вазият бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилиб берилмоқда. Сув ҳавзалари назорат қилиниб, инфекцияларга қарши дорилаш йўлга қўйилган. (Давоми 2-бетда).

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

Президент Ислам Каримовнинг 2008 йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармони Ўзбекистонда рўйбга чиқарилаётган барча кенг қўламли ислохотлар инсон манфаатларини йўлида амалга оширилаётганининг яна бир муҳим далили бўлди. «Иқтимоий фикр» жамоатчилик фикрини урганиш маркази томонидан мониторинг тартибиде ўтказилган иқтимоий сўров Ўзбекистон фуқароларининг халқимизнинг ўзи танлаган демократия ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга содиқлигининг ифодаси бўлган ушбу асосий ҳужжатларнинг амалга оширилишига қандай муносабатда эканини аниқлашга бағишланди. Навбатдаги сўровда республикамизнинг барча ҳудудларида яшовчи турли ёшдаги ва маълумотга эга шахар ҳамда қишлоқ ахли, эркаклар ва хотин-қизлар иштирок этди. Сўров натижалари Ўзбекистон фуқаролари яшаш жойи, гендер ва миллий мансублигидан қатъий назар давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармонини тўлиқ маъқуллаши ва қўллаб-қувватлашдан далolat беради (сўралганларнинг 92,8 фоизи). Бу Президентимизнинг, жумладан, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасидаги иқтимоий йўналтирилган ва инсонлар (Давоми 2-бетда).

ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛЕНИШ САМАРАСИ

Бир рақам шарҳи

2008 йилнинг дастлабки олти ойи давомида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 130 фоиз ўсди.

Бундан ташқари, 68,7 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб, модернизация қилинган, шунингдек, 6 та янги корхонанинг ишга туширилгани туфайли бундай юқори ўсиш суръатига эришилди.

Бозор муносабатлари даврида халқимиз ҳаётидан кенг ўрин олган янгиликлардан бири — бу рекламадир. Эндиликда ҳар қандай фуқаро у ёки бу кўринишдаги рекламага истаган кунни, исталган дақиқада ва исталган жойда рўпара келиши оддий ҳолатга айланиб улгурди. Чунки рекламанинг тури кўп.

РЕКЛАМА — ТАРАҚИЁТ КЎЗГУСИ

Чунки, матбуот рекламаси, телерадио реклама, ташқи реклама шу қадар омаллашиб кетдики, эндиликда «реклама бериш ҳуқуқи», «реклама тарқатиш маданияти», «реклама одоби» каби ҳар бир тушунча замирида қанчадан-қанча муаммо-ю, масалалар мавжудлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотини турли кўргазмали воситалар ёрдамида матбуот, телевидение, радио орқали тарғиб қилиши, табиий. Реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намойиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи тезкор омма хабарламасидир. Рекламанинг инсоннинг руҳий-интеллектуал ҳолатига тез таъсир этувчи, қолаверса, она тилимиз имкониятларини намойиш этувчи ўзига хос минбар эканлиги ҳусусида ҳам қанчадан-қанча фикр-мулоҳазаларни ўртага ташлаш мумкин.

Қолаверса, реклама «истеъмолчи»лари бўлиши кенг аҳолига ҳам жуда яқин таниш. Ушбу қонун мустақиллик йилларида ва жамиятнинг демократлаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар шарофати билан ҳамisha ва кенг тарғиб этиб келинмоқда, унинг моддаларини ҳаётга татбиқ этишга доир чора-тадбирларда аҳолига аҳамият берилади. Бир сўз билан айтганда, ўтган йиллар мобайнида ҳаёт талабидан келиб чиқиб, айрим ўзгариш ва қўшимчалар киритилган ушбу ҳужжат мамлакатимизда реклама тайёрлаш ва тарқатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қўриқда таъкидланганидек, реклама тарқатиш воситалари низоғда ранг-баранг. Қўчалардаги афишалар, нашрий адабиётлар, ОАВ орқали эълон қилинаётган турли хизматлар ёки маҳсулотлар рекламаси, гастроль-концерт, кино ва видео, ижтимоий муҳофаза ҳамда оғоҳликка даъват этувчи рекламаларнинг сон-саногий йўқ. Улар фуқароларга миғ бир хил маҳсулотлар орасидан энг маънавий, бўлини ташлашда ёрдам беради, албатта. Бироқ рекламанинг вазифаси бу билан тугамайди. Ҳар жиҳатдан мукамал, беэақли, бежирим, миллий руҳимиз ва қадриятларимизга мос, адабий тил меъёрларига амал қилган ҳолда тайёрланган рекламалар инсон руҳиятига тез таъсир этади. Қолаверса, реклама — шаҳар ва қишлоқларнинг кўрки, қиёфаси, беэағи ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, реклама — аҳолининг ижтимоий-сиёсий, бадий-маърифий сатҳлари масалалари кўмитаси томонидан «Реклама тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги ижросини ўрганиш ана шу мулоҳазаларнинг нақадар тўғрилигини яна бир бор исботлади.

Ҳар иккала вилоятда кейинги йилларда ташқи ва ОАВ рекламаси ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан кескин кўпайган. Турли муассисликда чоп этилаётган маҳаллий оммавий ахборот воситалари саҳифаларида берилаётган, шунингдек, вилоятларнинг шаҳар ва қишлоқларида, туманларида ҳамда кўчалар, хиёбонлар, гузарларда қўйилаётган рекламалар ўзининг замонавийлиги, ҳам мазмун, ҳам ташқи қиёфаси нуқтаи назардан аҳолининг юксак онг-тафаккури ва талабларига жавоб бера олиши билан эътиборга тушмоқда. Мухими, Бухоро ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари томонидан вилоят ҳудудида ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида қарорлар қабул қилинган. Мазкур қарор асосида вилоят ҳокимликлари қошида ташкил этилган реклама бўйича идораларга комиссия ташқи рекламани жойлаштиришни тартибга солиш билан ҳалди шўғулланмоқда. Телевидение ва газеталарда бериб борилаётган рекламалар эса, қонуннинг 5-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида ва айрим ҳолларда реклама берувчининг хоҳишига кўра бошқа тилларда бериш мумкин.

Шу билан бирга, ўтказилган назорат-таҳлил даврида оғоҳлантиришисиз реклама роликлари берилиши, реклама дастурини қонунда белгиланган вақтдан ортиқ эфирга узатиш, маҳсулот рекламасида товарларнинг сертификатланганлиги ва хизматлар лицензияланганлиги ҳақида маълумотларни илова қилмаслик, газета материалнинг реклама характерида эканлигини ифодаловчи хос белгилар («Реклама», «Реклама ўрнида» ёзувлари ёки «Р», «Т» белгилари сингари) кўрсатилмаслиги, шунингдек, газеталарда босилаётган рекламаларнинг меъёрдан ортиқ ҳажмда чоп этилганлиги, кўргазма восита-рекламаларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга ҳалал бериши, айрим рекламаларнинг эса давлат тили қонунқондалари талабларига жавоб беришмаслиги, чунки, имловий ва услубий ҳатолар билан босилаётгани, айрим кўргазмали восита ва рекламаларнинг бир қадар кўрimsиз тайёрланаётганлиги каби ҳолатлар ҳам аниқланди.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

вар сиёсати аҳолининг барча қатламлари томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини яна бир тасдиқидир. Шу билан бирга, жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ушбу ижтимоий сўров фуқаролар онг-шувурида жинсий ҳазо тизимини Ўзбекистонни демократик ривожлантиришнинг муҳим шарт-шартида босқичма-босқич такомиллаштириш зарур, деган тушунча мустақамланби бораётганини кўрсатилади. Масалан, «Олий ҳазо чораси сифатида ўлим ҳазосини бекор қилиш мамлакатимизда жиноятчиликнинг ўсишини тўхтатишга ёрдам берадими?» деган саволга сўровда қатнашчиларнинг ҳар иккинчиси қонқилири жавоб берди (ўтган йилларда бу кўрсаткич учдан бир қисман ҳам камроқни ташкил этганди).

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2005 йил 8 августда қабул қилинган «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармони ҳам аҳоли томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Сўров иштирокчиларининг фикрича, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи аввалгидек прокуратура органларига эмас, судларга тегишли бўлганда жиний-ижро амалиётига ҳалқаро эътибор этилган «habeas corpus» институтини жорий этиш шахсининг асосий ҳуқуқлари — Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахсий дахлсизлик ва эркинликни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини сезиларли равишда мустақамлаш имконини бериши.

Сўров натижаларига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти (90,3 фоизи) Ўрбтошимизнинг ушбу қонунчилик ташаббусини қўллаб-қувватламоқда. Жамоатчилик фикри мазкур ҳуқуқий норманинг кунга қирчи инсон ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаши ва фаоллаштириши, шунингдек, ҳуқуқий муҳофаза қилиш органлари ҳақиқат-ҳақиқатини суд томонидан самарали назорат қилиш ҳамда фуқаролар ҳуқуқларининг суд томонидан ишончли ҳимоя қилинишини тасдиқлайди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қўйилган илк ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжат Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси экани ҳам қатта маънога эга. Президент Ислам Каримовнинг «Инсон ҳуқуқлари

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази материаллари асосида ўЗА мухбири А.ИВАНОВА тайёрлади.

ПРОФИЛАКТИКА ИШЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бойсун туманидаги «Омонкона» санаторийида республикамизнинг барча вилоятларидан дам олувчилар келиб, соғлигини тиклайди. Санаторий бош шифокори Нусрат Худойкуловнинг айтишича, бу ерда юқумли касалликлар тарқалишига йўл қўймаслик максималда санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя этилмоқда.

Айни пайтда вилоятда мавжуд ўн оромгоҳ ўқувчилар билан гавжум. Бу масканларда болаларнинг мароқли ҳордиқ чиқариши, саломатлигини мустақамлаш, юқумли касалликлардан ҳимоялаш учун барча шароитлар яратилган.

Оромгоҳимизда 450 ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда, — дейди Узун туманидаги Х.Қўлиёзов номидаги оромгоҳ шифокори Нурмамат Жумаев. — Болаларни ҳар кунги тиббий кўришдан ўтказамиз. Озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, ошхонадаги санитария ҳолати доимий назоратда. Қўйилиш ҳавзаларидаги сув ўз вақтида янгилаб турилади. Қўрилаётган бундай чора-тадбирлар натижасида мавсум кўнгидагидек ўтапай. Ҳозиргача оромгоҳимизда биронта юқумли касаллик қайд этилмади.

Х. МАМАТРАЙИМОВ, ўЗА мухбири.

ИЛФОР МИНИТЕХНОЛОГИЯ ВА УСКУНАЛАР НАМОЙИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида ҳамкорлик алоқалари барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Бундан икки давлат раҳбарларининг ўрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2005 йилнинг апрель ойида Ҳиндистонга давлат ташрифи, 2006 йилнинг апрелида эса Ҳиндистон Бош вазири Манмохан Сингхнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларимизни юқори босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.



да. Эътиборимизни «Singh Industries» компаниясининг кўз ўнгимизда мих ишлаб чиқараётган минитехнологиялари тортиди. — Турли ўлчамдаги мих, болт ва сетка ишлаб чиқарувчи бундай ускуналаримизга Европа, Африка ва Осиё давлатларида талаб тобора ортиб бораёпти. Буни корхонамизда тайёрланган минитехнологияларнинг 80 фоизи ушбу давлатларга экспорт қилинаётгани ҳам кўрсатиб турибди, — дейди компания директори Ункар Сингх. — Кўргазмага 30 турдаги ускуналарни олиб келдик. Улар Ўзбекистонлик тадбиркорларни жуда қизиқтириб қолди. Шартномалар тузаямиз. Камда 40 та ускуна олд-сотди-си бўйича келишувга эришишни мўлжаллаб турибмиз.

Спорт жиҳозлари ва буюмлари ишлаб чиқаришга иқтисодлашган Ҳиндистоннинг энг йирик компанияларидан бири — «Em See See Sports PVT.LTD»га ажратилган бурчак ҳам одамлар билан гавжум. Белта корхонаси бериштираган мазкур компаниянинг маҳсулотлари «Jopex» тамғаси билан Австралия, Америка, Канада сингари дунёнинг кўпгина мамлакатларига экспорт қилинади.

— Шерикларимизга ускуналар келтириб бериш билан чекланмаймиз, — дейди компания директори Рашиддор Порсал. — Уларни ўрнатиб, сиювдан ўтган техника жиҳатдан ёрдам берамиз. Ана шу жиҳат юртдошларимизга жуда маъқул келди. Мана бу журнални қаранг, буларнинг барчаси биз билан ҳамкорлик қилмоқчи бўлганларнинг исми шарифи, манзили. Уларнинг орасида Тошкентдан ташқари, Наманган, Самарқанд сингари шаҳарлардаги тадбиркорларнинг борлиги бизни қувонтираётти.

Самд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШИЖОАТ ВА ЖАСРАТ МАКТАБИ

филтрларини изхор этади ҳарбий лицей битирувчиларидан бири Анавар Ҳазраткулов. — Шу мақсадда Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманидан Самарқандга келдим. Хурсандчилигим — истагимга ота-онамнинг қўйилишига, фикрини устозларимнинг қўллаб-қувватлашига. Бу ерда талаб қаттиқ. Спорт машғулотларини баҳарлашда, филтрларни ўзлаштиришда орда қолмаслик керак. Янаш учун яратилган шароит эса, ҳатто ўз уйингдан-да ортиқ. Ётоқхона, кийим-кечак, овқатланиш — ҳаммаси бепул. Устозлар низоғатда меҳрибон. Шундай бўлгач, ўқувчидан кўн билан ўқий, жисмоний чиниқиб талаб этилади. Бу йил ҳарбий академик лицей йўналиши асосида Тошкент олий умумқўшин ҳарбий билим юртига тест сивовларини топширдим.

2007-2008 ўқув йилида Анавар каби Самарқанд ҳарбий академик лицейини тугатган қўллаб-қувватлаш мамлакатимизнинг турли ҳарбий олий билим юртларига ҳужжат топширишиб, дастлабки тест сивовларидан ўттиди. Барчасининг максими — қатта йўл бошидаги ҳаракатларини давом эттириш, замонанинг етуқ мутахассислари бўлиб етилиш.

Ҳарбий академик лицейда эса кечагина навбатдаги бўлажак ҳарбийлар давлат тест сивовларида иштирок этиди. Сивовдан муваффақиятли ўтганлар янги ўқув йилида уч қаватли янги ўқув биноси, спорт зали ва ошхона хизматидан фойдаланадилар. Бундан ташқари, мавжуд бинолар капитал реконструкциядан чиқарилапти. Қурилиш-монтаж ишлари учун 3,5 миллиард сўм маблағ ажратилгани эса мамлакатимизда бу соҳага қанчалик юқори эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бухоронинг сўлим гўшаси — Лабиқовуздаги мислсиз ўзгаришларни томоша қиларканмиз, Бухоро нефтини қайта ишлаш заводи ходими Даврон Ҳотамовни учратиб қолдик. «Болаларни шаҳар айлантиригани олиб келган-дим. Қадимий Арк, Пойи Калон мажмуи, Мирзо Улугбек мадрасаси, Нодир Девонбег, Чориндор... э-ҳе, ҳар бир меъморий ва тарихий обиданинг жозибаси-ю, таровати кишининг гурурини кўзгайди. Улар тўғрисида фарзандларимга тўлқинланиб ҳикоя қилиб бердим».

ОБОД МАНЗИЛНИНГ САРБАЛАНД ШУКУҲИ

Дарвоқе, Даврон ақани илк маротаба янги йил арафасида, завод хизматчиларига замонавий кулайликларга эга уй-жой берилаётганидан кўн билан бир қаторда 71 нафар фуқаронинг оила аъзолари ҳам мустақиллик берган неъматдан кўнгиллари қувонгача тўлганди.

— Президентимизга раҳмат, — дейди у. — У кишининг раҳнамолигида Қоровул-бозорда, саҳронинг қўқ ўртасида улкан корхона барпо этилди. Бу айтишга осон, лекин унинг ортида озмунча ма-шаққат борми? Инсонни эса меҳнат саодатга етказаркан. Ўзимдан мисол. Шунинг шарофати билан ишли, уйи бўлди. Энг муҳими, ҳаётда ўзимнинг муносиб ўрнини топдим.

2007 йили ишга туширилган мазкур завод мамлакатимизда нефть мустақиллигини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ўзбекистон нефть маҳсулотларини экспорт қилувчи давлатга айланди.

— Корхонамиз маҳсулотларига ҳорижда талаб ортиб бормоқда, — дейди завод директори Ш. Сайдахмедов. — Бу, албатта, юртимиз иқтисодиётининг тез суръатларда ўсиб бораётганидан далолат беради.

1999» халқаро сертификатини олишга эришди. — Хом ашё ва тайёр маҳсулотлар деб номланган цементимизда бешта қурилма маҳсулати мавжуд, — дейди тажрибали мутахассис А. Темиров. — Германиядан келтирилган бу замонавий ускуналар ишимизнинг жадаллашувида жуда кўл келмоқда. Жамоатимиздаги хом димларнинг аксарияти ёшлар. Улар технологик жараёнларда муваффақиятли оқламоқда. Шу ўринда бир далил. Корхона ўз фаолиятини бошла-

Мустақиллик тақдиримизда

даланишга топширилди. Қўшқаватли ушбу ишоотда ёшларнинг спорт билан шўғулланишлари учун шарт-шароитлар етарли.

Корхонада кейинги йилларда бир қатор маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Дейлик, 2003 йилдан бошлаб корхонада янги марказдаги ноз-тир АИ — 91 автомобиль бен-

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бойваччанинг ҳиммати

Нью-Йорк шаҳридаги "New York State Theater" театрига маҳаллий миллионерлардан бири — Дэвид Кох 100 миллион доллар миқдоридан ёрдам пули берадиган бўлди.

Бу маблағ театрни таъмирлаш ва унинг атрофини ободонлаштириш ишларига сарфланади.

Таъмирлаш ишларининг биринчи босқичи 2008 йилнинг охири ва 2009 йилнинг бошларида амалга оширилади.

Поезд ҳалокатга учради

Грецияда йўловчи ва юк поездларининг тўқнашиб кетиши турли даражадаги тан жароҳати олди. Қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ.

Хабарларда айтилишича, Салоники шаҳридан Афинага кетаётган поездда 500 нафар йўловчи бўлган. Тўқнашуга сабаб бўлган омиллар ҳақида маълумотлар айтилмапти.

Жангарилар ҳужуми

Афғонистоннинг Қунар музофотидаги Ванат қишлоғида жойлашган АҚШ ҳарбийлари қароргоҳига жангарилар ҳужум уюштиришди.

Қароргоҳга жангариларнинг кўкқандан бостириб кириши натижасида тўққиз нафар НАТО аскари ҳалок бўлган. Маҳаллий маъмурларнинг маълум қилишича, жангарилар ҳужум вақтида узоқдан туриб аниқ мўлжалга оладиган қуроллардан фойдаланишган.

Воқеа жойидаги НАТО вакили ҳозирча бу ҳақдаги маълумотларни сир тутмоқда.

Кўрсаткичлар пасаймоқда

Жорий йилнинг иккинчи чораги якунларига кўра, жаҳон мобил алоқа бозорида маҳсулот сотиш бўйича "Motorola" компанияси бешинчи поғонадан жой олди.

Олти ой давомида харидорлар мазкур компаниянинг 23 миллион дона уяли телефонини сотиб олишган. Агар бу кўрсаткични ўтган йилгис билан солиштирсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кузатиш мумкин. 2007 йилда "Motorola" фақатгина "Nokia"га имкониятни бой берганди.

Альпинист омон қолди

Эронлик альпинист Аббос Олимижон Калежук Тянь-Шань тоғининг 5200 метр баланглигини қўлаб, омон қолди.

"Интерфакс"нинг хабар беришича, 52 ёшли Аббос Олимижон Эрон альпинистлар гуруҳига бош бўлиб кетаётганда музга сирганиб паста қўлаб кетган. Маҳаллий Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимларининг саяё-ҳаракатлари билан дастлаб у ўш шаҳридаги марказий касалхонага олиб келинганди. Айни пайтда Аббос Бишкек шаҳридаги касалхоналардан бирига ётқизилган.

Кўнги тўлмаётган тайёргарлик

2010 йили Жанубий Африка Республикаси (ЖАР) футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишдан хабардорсиз. Лекин нуфузли турнирга тайёргарлик ишлари рисоладагидек кетмаяпти. Мутасаддилари стадионлар қурилишига мўлжалланганидан кўра кўпроқ маблағ ишлатилаётгани ташвишлантирмоқда.

Кузатувчиларнинг таъкидлашича, янги стадионлар қурилиши ва мавжудларини қайта таъмирлаш учун дастлаб 875 миллион АҚШ доллари миқдоридан маблағ сарфланиши кўзда тутилган эди.

Аммо амалга оширилган ишлар ҳали чала бўлса-да, сарф қилинган харажат 1,28 миллиард доллардан ошиб кетди. Бу ўз-ўзидан маблағ тақчиллигини юзага келтирмоқда ва қурилиш ишларини жадал давом эттиришга тўсқинлик қилмоқда.

— Агар вазият шундай давом этса, ЖАР чемпионати ўтказиш ҳужумида маҳрум этилади ва биз мусобақада ўтказиш учун барча шароитларга эга бўлган ва футбол тараққиётининг бирорта давлатга бў юмушни топширишга мажбур бўламиз, — дейди тайёргарлик ишларидан кўнгли тўлмаётган ФИФА президенти Зепп Блаттер.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИПОТЕКА BANK

Мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсиш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи мавқеа эгаллайди. Шу босқидан, ушбу соҳани ривожлантиришга иқтисодий ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос таркиби ва ривожланиш даражаси, халқимизнинг менталитети, қулай табиий шароит ва бойликлар, катта ишлаб чиқариш салоҳияти ва меҳнат ресурслари, кичик бизнесни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Ипотека банк:

КИЧИК БИЗНЕС РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Иқтисодиётда ўтиш даври кечаётган, молиявий ресурслар чекланган бир шароитда кичик ишлаб чиқаришни, хусусий бизнесни катта маблағ сарфламадан, ички имкониятлар, аҳолининг ортиқча маблағларини жалб қилиш ҳисобига ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Келажақда улар негизда замонавий, молиявий жиҳатдан бақувват кўп тармоқли йирик ишлаб чиқариш корхоналари шаклланиши, шубҳасиз.

Бозор фаолияти шароитида тадбиркорлик фаолиятини кенгайтиришда бозор инфратузилмаси муҳим ўрин тутади. Бу соҳада тизимга катта маъсулият юклатилган. Банклар фақат кредит берадиган, пул операцияларини бажарадиган идора эмас, балки чуқур иқтисодий-молиявий таҳлил қиладиган, миқозларга малакали маслаҳат ва йўналишлар берадиган муассасага айланиши лозим. Банклар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини чуқур таҳлил этиб, зарур ҳолларда тавсиялар, бошқарув идораларига умумлашган таҳлилий ахборотлар бериши лозимлик йўлида олиб бораётган ишлари миқолида ҳам кўришимиз мумкин. Ипотека банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш бўлимида ақриятиётган кредитларнинг мuddатини ундан фойдаланиш мақсадида мослаштириш, унинг фойдаланишини таъминлаш каби ҳолатларда намоян бўлаётди. Банк томонидан кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё харид қилишга, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эҳтиёт ва бутовчи қўмраларни, шунингдек, турли хил минимтехнологиялар ҳамда икчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиллий хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ишбилармонга имкониятлар

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг тараққиётига катта имкониятлар очиб берилган. Бу ишларнинг амалиётдаги тасдиғини банклар, хусусан, Ипотека банкнинг бу соҳа раванқи йўлида олиб бораётган ишлари миқолида ҳам кўришимиз мумкин. Ипотека банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини молиялаштириш бўлимида ақриятиётган кредитларнинг мuddатини ундан фойдаланиш мақсадида мослаштириш, унинг фойдаланишини таъминлаш каби ҳолатларда намоян бўлаётди. Банк томонидан кредит маблағлари асосан маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё харид қилишга, фермер ва деҳқон ҳўжалиқларининг моддий-техника базасини шакллантириш учун эҳтиёт ва бутовчи қўмраларни, шунингдек, турли хил минимтехнологиялар ҳамда икчам ускуналарни сотиб олишга, маҳаллий хом ашё негизда маҳсулот ишлаб чиқариш ва маиллий хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ипотека банк АТИБ кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этилишига ва уларни молиялаштиришга қўйидаги тамойилларни амалга оширмоқда: — худудларнинг демографик, табиий-иқтисодий шарт-шароитларини чуқур ўрганган ҳолда уларга мос келувчи тузилмаларни ташкил этишга ва молиялаштиришга алоҳида аҳамият бериш;

экспорт ҳажмини ошириш мақсадида кредит маблағлари ажратилган. Мазкур ташкилотнинг асосий фаолияти сабзавот маҳсулотларини қуриштириб, уларни Россия давлатига экспорт қилишдан иборат. Жамият кредит олгандан сўнг маҳсулот экспортининг ҳажми 3,5 баробарга ортди ҳамда кредитдан фойдаланиш даврида 127 та янги касаначилик иш ўринлари яра-



берил учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йилдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сибсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишлар самарадорлигини ошириш учун катта туртки бўлди. Хусусан, Ипотека банк ўтган йилда тадбиркор аёлларга жами 2416,9 млн. сўм миқдорда кредит ажратди. Бу қўлланган мақсаднинг 113 фоизга ўсганлигини ва Ипотека банкнинг ҳуқуқмат қарорлари ва фармонларининг амалиётга жорий этилишида салмоқли ҳиссаси мавжудлигини англатади. Банк бу сибсатни жорий йилда ҳам жадал ривожлантириб, ўтган беш ой давомида 3070 нафар тадбиркор аёлга 4,1 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратди. Бу — режа кўрсаткичларига нисбатан 130 фоизга кўп дегани.

Ипотека банк томонидан ишлаб чиқилган ва қўрилган аниқ чора-тадбирлар натижасида барча ресурс манбалари ҳисобидан 2007 йил давомида жами 262,5 млрд. сўм кредит ажратилган бўлса; жумладан, 5835 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча кредит дитлаш манбалари ҳисобидан жами 81,78 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Бунинг натижасида 6789 та янги ишчи ўрни яратилди. Банк шу ўтган давр мобайнида ўз маблағлари ҳисобидан 3584 та субъектга жами 67,43 млрд. сўм кредит ажратилиши натижасида 5044 та янги ишчи ўринлари яратилган, бюджетдан ташқари жамғармалар кредит линийалари ҳисобидан эса 323 та субъектга 1,54 млрд. сўм кредит ажратилган ва 696 та янги иш ўрни ташкил қилинган. Хорижий кредит линийалари ҳисобидан эса 1928 та субъектга 12,79 млрд. сўм эквивалентда кредитлар ажратилиб, 1049 та янги ишчи ўрни яратилди.

Бундан ташқари, ушбу тармоқда экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш мақсадида банкда икхобий ишлаб қўлаб олиб борилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида фаолият кўрсатувчи «Баҳмал меваси» маҳсулияти чекланган жамиятига 2007 йилда банкнинг Жиззах вилояти филиали орқали қуриштирилган сабзавотлар ишлаб чиқариши кенгайтириш ҳамда

Тадбиркор аёлларга кўмак

Мамлакатимизда иқтисодиётимиз ривожини ва энг-орт раванқи йўлида жонбозлик кўрсатаётган тадбиркор аёллар ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда, уларга молиявий, ҳуқуқий кўмак

«Экосан»нинг ёшларга туҳфаси

«Экосан» халқаро ташкилотининг «Саломатлик поезди» Қашқадарё вилоятига ёшлар, ёшлар ортилган инсон-парварлик юклари, асосан, ёшлар соғлигини мустаҳкамлашга қаратилган тиббий дори-дармон воситаларидан иборатдир.

Мазкур тиббий воситалар касалхоналарга, ижтимоий муассасалар ҳамда кам таъминланган синдаглар тарқатилади. Шунингдек, вилоятдаги ёзги оромгоҳлар ҳам 4 миллион

Тадбир

сўмлик дезинфекция воситалари билан таъминланиши кўзда тутилган.

Бўрибой НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ООО "SHIRCHIQ TEPLO SYSTEM" ИСИТИШ СУВ ҚАЙНАТИШ

ҚОЗОНЛАРИ

Хавфсиз автоматика билан таъминланган МОДУЛЛИ ИСИТИШ БЛОКЛАРИ

Табиий газ, суюқ ва каттик ёқилғи билан ишлайди

Чирчиқ шаҳри, Навоий кўчаси, 259. Т/ф. 8 (370 71) 5-61-73, 5-40-62, т/ф. 5-59-87, 314-59-87. E-mail: chts.uz@mail.ru

Европа ва Осиё мамлакатларидан пластмассани қайта ишлаш, пластмасса маҳсулотлари ва қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ҳамда қадоқлаш ускуналари ва технологиялари

- етказиб бериш;
- ўрнатиб бериш;
- ишга тушириш;
- бир йил давомида техник хизмат кўрсатиш.

«POLIMER GROUP ASIA»

Телефонлар: +99871 262-51-09, +99890 316-12-53, 327-97-28.

Web: www.powerglob.com e-mail: info@powerglob.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ҲУЗУРИДАГИ ҲАҚАМЛИК СУДИ

ТЕЗКОР! ТЕЗКОР! МАЛАКАЛИ! ИШОНЧЛИ!

- ҳўжалик низоларининг тез ҳал қилиниши (низонинг бир инстанцияда жуда қисқа мuddатларда кўриб чиқилиши);
- муҳокаманинг камчиқимлилиги (низони ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган тарафларнинг кам чиқимлари);
- судьяларнинг касб маҳорати (энг тажрибали, маҳоратли шахслар ичидан судьяни сайлаш тарафлар томонидан амалга оширилади);
- мобиллик (низони Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудидида кўриб чиқиш имконияти);
- Ҳақамлик суди ҳал қилув қарорининг узил-кесиллиги (давлат судига Ҳақамлик суди ҳал қилув қарори мазмуни устидан шикоят қилиш мумкин эмас);
- Ҳақамлик судининг ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан қафолатланган тартибда мажбурий ижро этиш (давлат судларининг қарорлари ижро этилиши ўрнатилган тартибда).

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ҳузуридаги Ҳақамлик суди

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 6-уй. Телефон: (+998-71) 239-43-29. Факс: (+998-71) 232-09-03. web-site: www.chamber.uz e-mail: sud@chamber.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТ БОШҚАРМАСИ

АВТОМАТИК ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ ВА ШАҲАРЛАРАРО КОММУТАТОР ХАРИД ҚИЛИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОНИ ҚИЛАДИ.

Тендер таклифлари 2008 йил 15 июлдан 15 август соат 17.00 гача қабул қилинади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели 1-бەрк кўчаси, 1-уй.

Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 236-27-82, 231-33-43. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73, E-mail: umtvs@uzpak.uz

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ "КЧМ"

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

Преимущества чугунных котлов:

- наибольший срок службы среди других типов котлов
- конструкция, проверенная годами
- проработанная производственная технология
- простое обслуживание и уход
- низкие требования к дымовой тяге
- широкий диапазон мощностей
- универсальность (возможность работы на разных видах топлива)
- более высокое рабочее давление
- высокий КПД, недоступный для других котлов

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04

Торговый магазин, ул. Уста Ширин, 125, внутри строительного рынка №127

Спорт Sport Спорт

«Осиё болалари»даги муваффақият

Ёш спортчиларнинг мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллик тантаналарига аjoyиб совға ҳозирлашди.

3-13 июль кунлари Саха шаҳри (Россия)да бўлиб ўтган аънанавий IV «Осиё болалари» спорт ўйинларида 5 та олтин, 3 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритган ўзбекистон терма жамоаси кеча Тошкент халқаро аэропортида катта тантана билан қўлиб олинди.

Ўйинлари дастуридаги эркин кураш, бокс, дзюдо ва бадиий гимнастика бўйича беллашуларда майдонга тушдилар. Жумладан, юртдошларимиздан бадиий гимнастикачи Валерия Давидова иккита олтин, битта кумуш медални қўлга киритишга муваффақ бўлди. Шунингдек, бокс бўйича Бобур Айтибоев (48 кг.), Қобилжон Бобонозов (54 кг.) ва дзюдочи Фаррух Зоиров (81 кг.) лар ҳам юртимизга олтин медаллари билан қайтишди.



КЛИЧКО ТОМПСОННИ ЕНГДИ

Профессионал боксининг ўта оғир вази — IBF (Халқаро бокс федерацияси) ва WBO (Бутунжаҳон бокс ташкилоти) йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони Владимир Кличко ўзининг чемпионлик камарларини муносиб ҳимоя қилди.

Гамбург шаҳрида ўтган жаҳонда Владимир Кличко америкалик Тони Томпсонга қарши рингта қўтарилди. Жаңг украинлик боксчининг тўлиқ устунчилигида ўтди, деб бемаълал айташ мумкин. У дастлабки раундларданок аниқ зарбалари билан рақибини кийин ахволга солиб қўйди. 10-раунддаги клинч ҳолатларидан бирида Томпсон мувозанатини йўқотди. Аммо шундай бўлса-да, жангни давом эттиришга қарор қилди. Ниҳоят, 11-раундда Владимирнинг ўнг қўлида берган кучли зарбасини Томпсон ўқазиб юборди ва нокаут ҳолатига тушди.



Бугунги ёшлар интилувчан, гайратли, ташаббускор. Айниқса, касб-хунар коллежларида таълим олиб, ўзи қизиққан йўналиш бўйича пухта билим эгаллаган ўғил-қизларнинг орзу-мақсадлари беқибёс. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларимиз ташаббуси ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, истеъдодли йигит-қизларни ҳар жиҳатдан рағбатлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

ТАШАБУСКОР ЁШЛАРГА ИМТИЁЗ

Ёшлар йили муносабати билан қабул қилинган шу номдаги Давлат дастурининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган долзарб вазифалар ҳам фарзандлар камолотини қўлга олишга йўл кўрсатди.

Дастурда белгиланганидек, бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ҳамда уларнинг меҳнат жамоаларига мослашувига яқиндан кўмак берилмоқда. Хусусан, жорий йилда 2 минг нафар коллеж битирувчисига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мазкур имтиёзли кредитлар мустақил ҳаёт остида турган ўғил-қизларимиз учун моддий кўмак бўлиш билан бирга ёшларнинг ўзига ишончи ортишида ҳам муҳим аҳамият касб этади, — дейди таълим даргоҳининг мазнавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Нишонбой Бойжигитов. — Бунинг учун, энг аввало, коллеж битирувчиси қан-

да колледжимиз ўқувчилари учун «Микрокредитбанк» — ёш тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Анжуманда банк ходимлари ёшларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар. Тадбир эркин мулоқот тарзида ўтди. Бу эса ўғил-қизларимизнинг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қодир, мустақил фаолият бошлашга тайёр эканлигини далиллади.

Коллеж битирувчиси имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатни қўлга киритиш учун, энг аввало, унинг йўл-йўриқлари, қонун-қондаларидан бохабар бўлиши лозим. Шу боис, ўқув муассасаларида мутахассислар иштирокида кенг тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Банкнинг жойлардаги филиаллари ҳамда минибанкларнинг малакали ходимлари томонидан ўқувчиларга бизнес режа тузиш ҳамда тадбиркорликни йўлга қўйишда талаб этиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар борасида тушуنча берилмоқда.

Гулистон компьютер технологиялари касб-хунар коллежи битирувчилари сафида ҳам аналитчилик, сартарошлик, дурадгорлик, зардўзлик, чорвачилик каби тармоқларда иш бошлашмоқда. Гулистон компьютер технологиялари касб-хунар коллежи битирувчилари сафида ҳам аналитчилик, сартарошлик, дурадгорлик, зардўзлик, чорвачилик каби тармоқларда иш бошлашмоқда.

Йил бошидан буён амалга

даш ҳуқуқий ҳужжатларни тахт қилиш лозимлигини мукаммал билиши, пухта бизнес-режа тузиш хусусида кенг тасаввурга эга бўлиши лозим. Шу мақсадда банкнинг Гулистон бўлими мутахассислари иштироки-

даш ҳуқуқий ҳужжатларни тахт қилиш лозимлигини мукаммал билиши, пухта бизнес-режа тузиш хусусида кенг тасаввурга эга бўлиши лозим. Шу мақсадда банкнинг Гулистон бўлими мутахассислари иштироки-

да колледжимиз ўқувчилари учун «Микрокредитбанк» — ёш тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди. Анжуманда банк ходимлари ёшларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтардилар. Тадбир эркин мулоқот тарзида ўтди. Бу эса ўғил-қизларимизнинг мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишга қодир, мустақил фаолият бошлашга тайёр эканлигини далиллади.

Коллежда инфорацион ва коммуникацион технологиялар мутахассислиги бўйича таълим олдим, — дейди Шавқиддин Муҳиддинов. — Бойвут шаҳарчасида яшайман. Отам чорвачилик билан шуғуллангани боис, бу борада анчайин кўзим пишган. Ўзим мустақил равишда фермерлиқни удалашимга кўзим етади. Хайриятки, бизнес-режаим экспертларга маъқул келиб, сертификатни қўлга киритдим. Ҳозирча бир бош қорамол, бир бош бузоқ олиб иш бошламоқчиман. Сўнгра фермада чорва молларини излайман. Муҳими, менга ишонч билдиришди. Шунинг ўзи эртанги ютуқларим учун етарли асос бўла олади.

Бошқа ҳудудларда ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишни ният қилган ёшлар кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатларга эга бўлишди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида 28 нафар, Қашқадарё вилоятида 17 нафар, Самарқанд вилоятида 24 нафар, Наманган вилоятида 14 нафар коллеж битирувчиси учун микрокредитлар ажратилди. Шу тарихи, ёшларимизнинг ёруғ келажакини таъминлаш йўлида яна бир имконият пайдо бўлди, эртанги фаровонлиқнинг мустаҳкам асоси яратилди. Негаки, бу зағу иш юксак марралар сари интилувчан ўғил-қизларнинг шашту шижоатини янада юксалтирмоғи тайин.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

ХОНАДОНГА ҲАМШИРА КЕЛДИ

Менглиевларнинг кўчасига асфальт тўшалмаган. Тошқуча. Бироқ машина ўтиб-қайтгани билан кўча чангимайди. Чунки — озода. Ҳар қайси хонадон йўлининг ўзига тегишли қисми четига гул, қўнат экади, сув сепади.

он сўм. Ўн хилдан ортиқ дардга ташхиш белгилайди, — деди у. — Электрон микроскоп, секторфуго, физиоуголажа ускуналари, хуллас, бизда, катта ши-фононаларда топилайдиган тиббий ускуналар мавжуд. Бироқ ҳеч қайси дорю ҳеч қайси ускуна ёки тах-

Ислоҳот ва одамлар

Менглиев яна айтадики, бу хайрли ишга одамларни янгибдан қурилган қишлоқ врачлик пункти, унинг дўхтирлари ўргатди. ҚВПнинг дўхтирларига қақуриув шарт эмас. Хонадонга ўзлари кириб келишаверади. Уларнинг даъватлари, эътирозлари олдинга қўйилмасдан мавжуд бўлгандай бўлди: ювиниш хонасида атир совун қўринмайди. Ша-



галдан йўлакча қилсангиз, ҳовлида юрганга қилишингизга лой юқмайди. Мол қўрангиз ошонангизга яқин қурилгити, деган гаплари. Ҳатто, Зебо Холиёрова деган ҳамшира қўшиларингиз билан қандай салом-алик қилишингизни борди-қелдингизни ҳам суриштиради. Яна, қўни-қўшини билан иноқ яшаганлар дардга қалинмайдилар, даяваради. Дардга қалинсам, укол билан тузатиб оларсиз, деган гапларга, ҳар бир киши ўз руҳияти ва танашига ўзи бош ҳақими ҳамшира бўлмоғи керак. Ўзини даволашни билмагани бошқа бир қўл даволай олмайд, дейди.

ҚВП лаборанти Дилдора Раҳмонова бизга қўнчадай апараты кўрсатди. Бу — фотоэлектроколорометр. Нарҳи 9 милли-

ли соғлом турмуш тарзининг ўрнини босолмайди. Тўғри овқатланиш, меҳнат қилиш, узаро меҳрли-оқибатли бўлиш ҳаётнинг катта ҳикматлари. Қишлоғимиз бутун шў ҳикматлар соясида яшайгани катта давлат. Даргоҳда 14 ходим ишлайди. Яъни 250 кишига битта шифокор тўғри келади.

— ҚВПда иш бисёр. Бироқ биз хонадонларни асл иш ўрни-миз деб тушунаемиз, — дейди ҳамшира Зарифа Ҳўжанова. — Одамларимизнинг ҳам тушуна-чиси энди бошқача. Улар ўз тана-лариданги бир ҳафта ё бир ой кейин юзага чиқши мумкин бўлган ноҳушликларини сезиб, бу ҳақда бизни хабардор қиладиган бўлишган.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

NISSAN TIIDA KOMFORT В ДВИЖЕНИИ. Prevousodnaya dinamika i elegantsnyy sporny salo. Уверенность на дороге и высокое качество внутренней отделки. Nissan TIIDA advertisement with images of the car.

Олимпиадага ҳозирлик. Пекинда бўладиган XXIX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритган Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Окгул Омонмуродова айна кунларда Тошкентда ўқув-йигини машғулотларини ўтказмоқда. Шахматчиларимиз Осиё чемпионатида. Бугун Эронда 8 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахматчилар уртасида навбатдаги Осиё чемпионати бошланади.

Abonent to'lovi \$0,00. Tarmoq ichidagi chiqish qo'ng'iroqlari so'zlashuvning 1-daqiqasidan so'ng \$0,01. O'zR uyali aloqa operatorlaridan kirish qo'ng'iroqlari \$0,00. «Ko'proq so'zlashing» tarif rejasi. Yanada ko'prog'ini kuting. u cell advertisement with large numbers and promotional text.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. Газета тахририят компьютер марказида тервалд ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25. Тошпирилди — 22.55. 1 2 3 4 5 6 7. Advertisement for the newspaper 'Halq So'zi'.